
РИШТОН ТУМАНИДА «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА?

"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз"

Риштон тумани ҳоқими ўринбосари, оила ва хотин қизлар бўлими бошлиғи М. Бекмирзаеванинг маълум қилишича, ўтказилган хатлов ва ўрганишлар натижасида «Аёллар дафтари»га 4604 нафар аёллар киритилиб, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунга қадар 3566 нафар хотин-қизларга ёрдам кўрсатилди.

«Аёллар дафтари»даги хотин-қизларга кўрсатилган ёрдамларни соҳалар кесимида таҳлил қилинганида:

1448 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз бўлган 47 нафар аёлларни бандлигини таъминлаш ва касбга ўқитиш бўйича ёрдамлар кўрсатилди.

228 нафар тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 60 нафарига 1, 229 млрд сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

1490 нафар боқувчиси бўлмаган, эҳтиёжманд хотин-қизлардан 895 нафарига бир марталик моддий ёрдам берилди, 2 нафар тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизларни жароҳлик ҳаражатлари тўлаб берилди. 2 нафар аёлларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

566 нафар ижтимоий ёрдамга ҳамда И- ва ИИ-гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлардан 566 нафарига бир марталик моддий ёрдам, 1 нафар тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга даволанишлари ва операциялари учун зарур маблағлар шарнома асосида тўлаб берилди.

«Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож 50 нафар хотин-қизларни Наманган вилоятига «Фарғона Водий» МЧЖ туризм агентлиги томонидан шартнома асосида 7 500 000 сўм маблағ ажратиб саёҳатга юборилди. Шунингдек, «Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож 110 нафар хотин-қизларга 41 690 000 сўмлик озиқ-овқат махсулотлари тарқатилди.

3-босқич «Аёллар дафтари» рўйхатида киритилган хотин-қизларнинг маъданий ва маънавий хордиқ олишлари учун 300 нафар хотин қизлар сектор раҳбарлари ташаббуслари билан ва 455 нафари хомийлар ҳисобидан Андижон вилоятининг Боғи-Шамол, Ширмонбулоқ ва Фарғона вилоятининг Водил туманидаги Чимёнсой дам олиш масканларига бир кунлик саёҳатлар ташкилланди.

Жорий йилнинг 7 ойи давомида 3533 нафар аёллар учун "Аёллар жамғармаси"дан жами 2 млрд. 654 млн. сўм маблағ сарфланди.

2022-08-08 15:58:22